

Шоядки такводор бўлсаларингиз (Йигирма биринчи қисм)

Муаллиф:

02.08.2013 02:29 - Янгиланди 02.08.2013 02:40

Шоядки такводор бўлсаларингиз

Йигирма биринчи қисм

«(Хар бир нарсада) **Унга кайтгувчи бўларок, Унга такво килинг, намозни тўқис адо этинг ва мушриклардан бўлманг**».
(Рум сураси, 31-оят)

Яъни, Аллохнинг динига юз тутганингизда, хар бир нарсада Аллохга кайтувчи бўлинг. Хар бир амални фақат Унинг амрига мос килинг.

«...Унга такво килинг...»

Такво ҳам Аллохга кайтишликнинг бир тури.

«...намозни тўқис адо этинг...»

Бу ҳам ихлос билан Аллохга кайтишнинг бир кўринишидир.

«...ва мушриклардан бўлманг.»

Шоядки такводор бўлсаларингиз (Йигирма биринчи қисм)

Муаллиф:

02.08.2013 02:29 - Янгиланди 02.08.2013 02:40

«Эй одамлар! Роббингизга такво килинг ва ота боласига фойда бера олмайдиган, бола отасига бирор нарсада фойда бергувчи бўлмайдиган Кундан кўркинг. Албатта, Аллохнинг ваъдаси ҳақдир. Бас, ҳаёти дунё сизни гурурга кетказмасин. Ўта гурурга кетказгувчи сизни Аллох ила гурурга кетказмасин». *(Лукмон сураси, 33-оят)*

Сураинг аввалидан зикр этиб келинаётган куфр, ширк ва залолат йўлларига тушиб колмаслик учун Аллох таолога такво килиш ва киёмат кунидан кўркиб юриш керак.

«Эй одамлар! Роббингизга такво килинг...»

Бу дунё ва у дунё учун энг зарур зоду роҳила такводир. Такво бўлмаса, ҳеч бир яхши натижани умид килиб бўлмайди. Роббул оламийнга такво килиш ҳар бир одамнинг инсонийлик бурчидир. Аллохга такво қилмаган одам ҳеч бир ёмонликдан қайтмайди. Аксинча, Аллохга такво қилган одам ҳеч бир ёмонликка қўл урмайди.

«Эй Набий! Аллохга такво қил ва қофиру мунофиқларга итоат этма! Албатта, Аллох ўта олим ва ўта ҳикматли зотдир». *(Ахзоб сураси, 1-оят)*

«Эй Набий! Аллохга такво қил...!»

Яъни, Аллохга такво қилишда давом эт.

Шоядки такводор бўлсаларингиз (Йигирма биринчи кисм)

Муаллиф:

02.08.2013 02:29 - Янгиланди 02.08.2013 02:40

Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам бу оят нозил бўлишидан олдин ҳам Аллохга такво килар эдилар. Бир ишни бажариб турган одамга яна ўша ишни килиш хакида амр бўлса, ўша ишинг-ни давом эттир, деган маъно чиқади.

Таквонинг маъноси хакида авваллари ҳам кўп гапирилган. Такво, авом халк тушуниб келганидек, коронгу уйга кириб олиб, зикр билан машгул бўлиш эмаслиги таъкидланган.

Бу оятдаги даъватда ҳам ўша «такво» назарда тутилмаяпти, балки Аллохнинг айтганини килиб, кайтарганидан кайтиб, Унга тўла итоат этиб яшашга чорланяпти, холос.

Ё Роббалаламийн, хар ишларимизда Ўзингга кайтайлик, бизларни таквода бардавом килгин, Ўзингдан кўркувчи бандаларингдан килгин ва бизларни кофиру мунофикларга итоат эттириб кўйма.